

8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни.

# ҚОМУСИЙ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ



# ВУМУОДКОР ҲОШЛАР

JIZZAX POLITEKNIKA INSTITUTINING GAZETASI



№ 4 (202)

ДЕКАБР, 2019 ЙИЛ

ISSN №2010-7870

2019 йил 22 декабрь,  
якшанба – Сайловлар куни

## САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий мазмун-мақсади ижтимоий йуналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташки сиёсатга, оғзақ билан ишчи демократик ҳуқуқ

Асосий қонунимиз – бош қомусимиз

## КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚ ВА БУРЧИМИЗНИ ИФОДАЛАЙДИ

Бу йил Конституциямиз қабул қилинганига 27 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида Асосий қонунимизнинг мустақил, демократик давлатимиз юксалиши йўлидаги аҳамияти беқиёс. Ислохотларимизнинг туб замирида давлатимиз тараққиёти ва халқимиз манфаати туради. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўз олдимизга қўйган юксак эзгу мақсадларга эришиш, юртимизда бозор иқтисодиётига асосланган очик ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришда

олишда, дам олишда, иш фаолиятини юриштишда, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда конституциявий ҳуқуқ ва кафолатлардан тенг фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида

га эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган.

Она юртимизда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари!" Дастури асосида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада муайян ютуқларга эришган дунё мамлакатларининг мураккаб тажрибасини ҳамда миллий хусусиятларимиз ва халқимизга хос бўлган кадриятларимизни эътиборга олган ҳолда ижтимоий ҳаётимизга босқичма-босқич тадбиқ этилмоқда. Жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларнинг натижалари ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ ҳамда маънавий соҳалардаги ислохотларнинг бориши ва ривожланишининг кейинги истиқболлари билан чамбарчас боғлиқ.

(Давоми 2 ва 3-бетларда)

оли қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямиз мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Унда халқимизнинг иродаси, адолатли жамият барпо этишдаги интилишлари, эзгу-истаклар мужассамдир.

Конституция ўзбек халқининг мустақилликка, миллий давлатчиликка, аждодларимизнинг урф-одатлари ва бой маънавий меросини қайта тиклашга бўлган орзу-умидларининг қонуний механизмларини яратишга, ижтимоий тараққиётнинг инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига мос равишда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Таъкидлаш керакки, Конституциямизда ёшлар масалалари, уларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларининг кафолатлари ўз ечимини топган кадриятларимиздан бири сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунингдек, 18-моддага мувофиқ, Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг экани белгиланган. Ёшлар касб-ҳунар танлашда, меҳнат қилишда, билим

мажлиста қилган тўрожаатномасида "Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар қураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда. Биз... шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур.

Буюк Имом Бухорийнинг "Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади", деган ҳадис билан бошланишида, албатта, жуда чуқур маъно бор", - деб таъкидлаган эди.

(Давоми 2-бетда)

## Кўшалок байрам

# БАРЧА ШОДЛИК СЕНГА БЎЛСИН!

Институтнинг маданият саройида "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлигининг 28 йиллиги ва "Халқаро талабалар куни" муносабати билан катта байрам тадбири ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)



Суратда: томоша залида талаба ёшларни институт ректори Алишер Усманкулов табрикламоқда.

## Таълим тараққиёти йўлида

**ХОРИЖ  
УНИВЕРСИТЕТЛАРИ  
БИЛАН ҲАМКОРЛИК  
Австрия сафари  
таассуротлари**

Жорий йилнинг октябр ойида институтимизнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Европа иттифоқининг Ерасмус плус дастури доирасида бажарилаётган INTRAS лойиҳаси мувофиқлаштирув кенгашининг навбатдаги семинари ва ўқув машғулларида иштирок этишди.

Тадбирлар Австриянинг Клагенфурт шаҳрида жойлашган Клагенфурт университетида (University of Klagenfurt) бўлиб ўтди.

Авалло мезбон олийгоҳ ҳақида қисқача маълумот: Клагенфурт университети 1970 йилда ташкил топган бўлиб, Австрия университетлари орасида глобал тармоққа бирлашган ўзига хос илмий-тадқиқот институти сифатида ва бутун Алп-Адриатик минтақасида билим эгаллаш, алмашиниш ва уни узатиш маркази сифатида муваффақият қозонган.

(Давоми 2 ва 3-бетларда)

саилов қонунчилигининг ривожланиши миллии давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан

фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

**М.НАЖИМОВ,**  
Тошкент давлат юридик  
университетининг профессори.

демократик меъёрларни ифодалаши керак. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида жуда катта ишлар амалга оширилди. Масъулиятни зиммамга олган ҳолда айтишим мумкинки, Сизнинг Асосий Қонунингиз умумий қабул қилинган халқаро меъёрларга тўлиқ мувофиқдир.

Таълим тараққиёти йўлида

## ХОРИЖ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

### Австрия сафари таассуротлари

(Давоми. Аввали 1 в 2-бетларда)


Ташриф давомида янги магистратура мутахассислигида англиз тилида ўқитиладиган қуйидаги махсус курслар белгилаб олинди: Intelligent Vehicle Technologies & Smart Mobility, Transportation Economics and Demand analysis, Road Traffic Engineering and Optimization, In-Vehicle Information Systems, Robotics, Autonomous Vehicles, and Smart Logistics, Mobility Service Design-and-Management and Economics of Mobility, Communications and Information Systems in Smart Transportation. Ўқув жараёнини ташкил

S. Usmanov, S. Djijanbaev

INTRAS

INTRAS

### INTELLEKTUAL TRANSPORT TIZIMLARI



12 AX 2019

етишда фойдаланиладиган адабиётлар базаси шакллантирилди.

Шунингдек мазкур кенгаш йиғилишида янги магистратура мутахассислиги учун Жиззах политехника институти ўқитувчилари С.А.Усманов ва С.В.Жиянбоевлар томонидан яратилган "Интеллектуал транспорт тизимлари" номли ўзбек тилидаги ўқув қўлланмаси тақдироти ўтказилди.

Эътиборли томони шундаки INTRAS лойиҳасини бажариш давомида бизнинг олийгоҳимиз олимлари томонидан уни илмий ва оммавий матбуотда тарғиб қилинганлиги ва олиб бориладиган тадқиқотлар натижалари илмий ва оммабоп нашрлардаги мақолаларда, шунингдек конференциялар тезислари, буклетлар ва плакатлар тарзида эълон қилиб борилганини бошқарув кенгаши аъзолари маъқуладилар.

Лойиҳа режасига кўра Жиззах политехника институтида интеллектуал транспорт тизимлари ўқув-ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил қилиниши кўзда тутилган бўлиб, бу борада олиб бориладиган ишлар муҳокама қилинди ва лаборатория учун жиҳозларга берилган буюртмаларнинг бажарилиши, бугунги кунда лаборатория учун ажратилган аудиториянинг тақдироти бошқарув кенгаши эътиборига ҳавола қилинди. Ўз навбатида Клагенфурт университетига ташриф жараёнида унинг электрон ахборот базасидан 23 номдаги замонавий илмий-техник ўқув адабиётларининг электрон нусхалари олинди ва институтиимизнинг АРМ га тақдим қилинди.



INTRAS лойиҳаси бошқарув кенгаши йиғилишида 2020 йилнинг 20 июнь – 12 июль оралиғида Жиззах политехника институтида талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун икки ҳафталик "Халқаро ёзги мактаб" ташкил этиш бўйича келишув амалга оширилди. Унинг режаси муҳокама қилиниб, дастури тасдиқланди.

Ёзги мактабнинг дастуридан Гданск технология университетининг 5 нафар, Жилин университетининг 4 нафар, Клагенфурт университетининг 4 нафар профессорлар-ўқитувчиси турли курслар бўйича машғулотлар олиб бориши режалаштирилди.

Шунингдек "Халқаро ёзги мактаб" учун ЖизПИда тўлиқ мультимедия, ўқитиш-

нинг техник, ахборот коммуникация воситалари билан жиҳозланган 2 та аудитория (талаба ва ўқитувчилар учун) ташкил этиш кўзда тутилган.

"Халқаро ёзги мактаб" нинг Жиззах вилоятида, хусусан институтиимизда

ўтказилиши аввало, жамоамиз аъзоларига бўлган катта ишончдир. Қолаверса, бу жараён бизга катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ўқув ҳамда амалий машғулотларнинг самарали, сифатли ўтиши учун ҳозирданок пухта тайёргарлик кўришимиз, хорижлик меҳмонларимизни Жиззах вилояти, қолаверса мамлакатимизнинг тарихий жойлари, халқимизнинг миллий, маънавий-маданий удумлари билан танишишлари учун шарт-шароитлар яратишимиз керак.

**Салоҳиддин УСМАНОВ,**  
Жиззах политехника институти  
бўйича лойиҳа координатори.